

## ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВ ПОТЕНЦИАЛИ ВА УНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

**Исмоилов Туйчи Жаббарович** – п.ф.н., доцент, кафедра мудири,

**Бурхонов Расул Рамилевич** – ўқитувчи, А.Қодирий номидаги ЖДПИ Технологик  
таълим кафедраси, Ўзбекистон

**Аннотация:** Мақолада бўлажак ўқитувчи ўзида бўлиши лозим бўлган малакалар, таркибий асослар, устувор тамойиллар, методлар ва аниқлаш мезонлари асосида креативлик потенциалини янада ривожлантириш бўйича амалий кўрсатмалар баён қилинади.

**Калит сўзлар:** педагогик, креативлик, потенциал, таркибий, асос, тамойил, муаммо, мезон, ижодий, структура, методик, сифат.

\*\*\*

**Аннотация:** В статье излагается практические указания по повышению креативных потенциалов и факторы их развития на основе структурных, принципиальных, методических и квалификационных критериев.

**Ключевая слова:** педагогический, креативности, потенциал, фактор, основы, принцип, проблема, критериев, творческий, структуры, методический, качества.

\*\*\*

**Abstract:** This article deals with the guidelines for improving creative potentials and factors of their development based on structural, principled, methodological and qualification criteria.

**Keywords:** pedagogical, creativity, potential, factor, fundamentals, principle, problem, creative, structure, methodological, quality.

Креативлик потенциалига эга ўқитувчи ўзида қуйидаги малакаларни намоён эта олади:


- бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш;
- масаланинг қўйилишини таҳлил қила олиш;

- масалани ҳал қилиш режасини тузиш;
- масалани ҳал қилишда самарали методлар (анализ, синтез, индукция, дедукция, таққослаш ва б.)ларни қўллаш;
- масалани ҳал қилиш усуллари танлай олиш;
- қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;
- масалани ҳал қилишда кичик тадқиқот (изланиш)ни олиб бориш;
- масалани ҳал қилиш шароити, жараённинг бориши ва масала ечими яқунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш.

Бўлажак ўқитувчининг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциални янада ривожлантиради. Натижада бўлажак ўқитувчи:


- ижодий фикрлашга одатланади;
- илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўникмаларини пухта ўзлаштиради;
- педагогика ёки мутахассислик фани ютуқлари ҳамда илғор тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини мустақил таҳлил қилади;
- педагогик жамоа томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий лойиҳаларни бажаришда фаол иштирок этишга эришади.

Бўлажак ўқитувчининг креатив потенциали қуйидаги таркибий асосларни ўз ичига олади:




Расм -1

Педагогнинг креативлик потенциали кўп даражали жараён ва у қуйидаги тамойилларга таянади:



Расм -2

Педагогнинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар қуйидагилар саналади:



Расм -3

Ушбу мезонлар педагоглар креатив потенциалини уч даражада аниқлаш имконини беради:

Педагог креатив потенциалининг муҳим даражалари:

Жадвал

№	Даражалар	Даража хусусиятлари
1.	Юқори	Мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятга эгаллигини изчил намоёиб этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан
2.	Ўрта	Баъзан у ёки бу ташаббусни илгари суради, креатив қобилиятга эгаллиги мунтазам бўлмаса-да, аммо намоён

		бўлади, креатив жиҳатдан бир қадар фаол, изланувчан бўлишга интилади
3.	<b>Паст</b>	Гарчи у етарлича асосланмаган бўлса-да, ташаббусни илгари суришга интилади, креатив қобилияти етарлича намоён бўлмайди, изланувчан бўлишга интилмайди

Талабаларнинг креативлик потенциали ва уни ривожлантиришда буюк педагоглар томонидан ишлаб чиқилган амалий кўрсатмалари асосий омиллар бўлиб хизмат қилади. Буларга:

- талабаларнинг саволларига чидам билан тўғри жавоб беринг,
- уларнинг саволлари ва фикрларини жиддий қабул қилинг,
- талабаларга ўз ишлари билан шуғулланишлари учун алоҳида хона ёки бурчак ажратинг,
- агарда ижодий жараён билан боғлиқ бўлса, у ҳолда талабани хонадаги тартибсизлик учун қойиманг,
- вақти-вақти билан талабаларга уларни яхши кўришингизни ва уларни қандай бўлсалар, шундай қабул қилишларини намоён этинг,
- талабаларга имкониятларига мос юмушларни буюринг,
- уларга шахсий режаларини ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилишга кўмаклашинг,
- талабаларга фаолиятларда юқори натижаларга эришишларига ёрдам беринг,
- камчиликларини кўрсатган ҳолда талабани бошқалар билан солиштирманг,
- талабани камситманг ва ўзини ёмон, ожиз деб ҳисоблашишига йўл қўйманг,
- уни мустақил фикрлашга ўргатинг,
- талабани севимли машғулотини ташкил этиши учун зарур буюмлар билан қуроллантиринг,

- уни турли воқеаларни ўйлаб топишга, фантазия қилишга мажбурланг,  
бу жараёнда унга ёрдамлашинг,

- талабани ёшлиқдан ўқиб-ўрганишга одатлантиринг,

- доимо талабанинг эҳтиёжларига эътибор қаратинг,

- ҳар куни талаба билан юзма-юз суҳбатлашиш учун вақт топинг,

- оилага оид масалаларнинг муҳокамасига талабаларни ҳам жалб қилинг,

- хатолари учун талабани масхара қилманг,

- талабани ҳар бир ютуғи учун мақтанг,

- унинг ютуқларини мақташда самимий бўлинг,

- талабани турли ёшдаги кишилар билан мулоқот қилишга ўргатиб боринг,

- унинг борлиқни англашига ёрдам берадиган амалий тажрибаларни ўйлаб топинг,

- талабага турли латга-путталар билан ўйнашни тақиқламанг – бу унинг тасаввурини бойитади,

- уни муаммони топиш ва уни ҳал қилишга рағбатлантиринг,

- талабага нисбатан ўз муносабатингизни баҳолашда одил бўлинг,

- у билан муҳокама қилинадиган мавзуларни чекламанг,

- талабага қарорларни мустақил қабул қилиш ва унинг учун жавобгар бўлиш имконини беринг,

- талабага унинг шахс бўлиб шаклланиши учун ёрдам беринг,

- талабага унинг учун фойдали бўлган телекўрсатувларни томоша қилиши ва радио эшиттиришларни тинглаши учун кўмаклашинг,

- уни ўз қобилиятларини ижобий қабул қилишга одатлантириб боринг,

- талабани катталардан мустақил бўлишга ўргатиб боринг,

- талабанинг ўзига ва унинг соғлом фикрга эғалигига ишонинг,

- талабага “Мен ҳам бунини билмайман” деб, уни муваффақиятсизликларга безътибор бўлишга ўргатманг,

- талабага, гарчи у ишнинг ижобий натижага эга бўлишига ишонмасанда, бошланган ишни охирига етказиши учун имконият яратинг,

- кундалик дафтар юритинг ва унга талабада креатив қобилият шаклланишини қайд этиб боринг.

Ўқитувчи томонидан юқорида келтирилган амалий кўрсатмаларга амал қилинса талабаларнинг келажакда таълим-тарбия жараёнида ўз ўрнини топишига ва креативлик потенциалини оширишга эришади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности – СПб.: СПГУТД, 2006.

2. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.

4. Тўрақулов Э. Педагогик технологиялар ва махорат. Самарқанд 2006 й.